МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 29 октябрь,
№91 (1058)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

## Орол ва оролбўйи муаммоларини бартараф этиш йўлида халқаро ҳамкорлик

**«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари Урганч шаҳрига етиб келди. 28 октябрь куни улар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги хўжаликларда, тиббиёт муассасаларида бўлди, Хива шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.**

**ЎзА махсус мухбирлари халқаро анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.**




**Ханс-Ульрих ИМ,**
***Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ижрочи қўмитаси маслаҳатчиси ва халқаро лойиҳалар бўйича менежери:***

— Оролнинг қуриган қисмидан миллионлаб тонна туз ва чанг кўтарилиб, жуда катта ҳудудда ҳаво ва тупроқ ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу аҳоли, жумладан, ёш авлод саломатлигига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига салбий таъсир кўрсатаётир. Бугунги кунда Оролбўйи аҳолиси генофондини асраш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик муаммо ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Ташкилотимиз фаолиятида мамлакатингиз алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорликда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳа мутахассислари малакасини ошириш, ўрмонзорлар барпо этишга оид қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Мазкур глобал муаммо оқибатларини енгиллаштириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз, бу ишга жамоатчиликни янада кенгроқ жалб этишимиз ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашимиз лозим.

**Анхель Фернандес РАМОС,**
***«CYTSA» компанияси менежери (Испания):***

— Ушбу конференцияга кўплаб мамлакатлардан, нуфузли халқаро ташкилотлар ва компаниялардан вакиллар ташриф буюргани уларнинг Орол муаммосини ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида эканидан далолатдир.

Компаниямиз институционал ривожланиш, бизнес-инновациялар ва муҳандисликда қўлланиладиган маҳсулотларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Орол денгизи муаммосини, унинг глобал миқёсда атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш ҳамда оқибатларини юмшатиш борасидаги лойиҳаларда фаол иштирок этиш ниятидамиз.

Ўзбекистонга келганимдан қалбим қувончга тўлди, руҳим кўтарилди. Хивадаги бетакрор тарихий обидалар, миллий либос ва ҳунармандлик буюмлари ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Ичанқальани кўриб, маҳобатли миноралар орасида ўзимни гўё мўъжизалар оламида юргандай ҳис этдим.

**Ким Хак СУ,**
***Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) катта маслаҳатчиси:***

— Бугунги кунда Орол муаммоси нафақат Марказий Осиё минтақасининг, балки бутун дунёнинг муаммосига айланган.

Беруний туманидаги ёшлар боғига дарахт кўчатларини ўтқазишда иштирок этганимиздан, бу ердаги экологик ҳолатни яхшилашга, оз бўлсада, ҳисса қўшганимиздан хурсандмиз. Оролбўйида қурғоқчиликка ва шўрга чидамли буталар экиш, дов-дарахтлар ва ўсимликларни кўпайтириш бўйича бу каби лойиҳалар амалга оширилаётгани диққатга сазовор. KOICA Ўзбекистон билан бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш, қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятида.

> [2]



ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ — 2014



## Ўзбекистон спортчиларининг Параосиё ўйинларидаги юксак ғалабалари

**«Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёруғ бўлиши учун бор кучимни аямайман».**

**Ислом КАРИМОВ**

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида нуфузли мусобақа — II Параосиё ўйинлари якунланди. Ушбу йирик спорт анжуманида қитъамизнинг қирқдан зиёд давлатидан спортчилар ғолиблик учун баҳслашди. Параосиё ўйинларида ўзбекистонлик 27 нафар спортчи енгил атлетика, дзюдо, сузиш ва ўқ отиш бўйича ўтказилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, шижоат ва матонат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлади. Спортчиларимиз 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза, жами 31 медални қўлга киритиб, қирқдан зиёд давлат орасида бешинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Паралимпиячиларимизнинг бу юксак ғалабаси халқимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлаши, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилиши, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг миллати, дини, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланаётганини намоён этгани шубҳасиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ва бахтли ҳаёт кечириши, эзгу мақсадларини рўёбга чиқариши, буюк келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшларимизнинг билим олиши, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён қилиши учун кенг имконият ва зарур шароитлар яратилди.

> [4]

ҚОНУН ТАРҒИБОТИ

## Ижтимоий шериклик — демократлашув сари янги қадам

**Бугун Бухоро вилоятида фаолият юритаётган 558 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишларда фаол иштирок этмоқда.**

■ **Акбар РУСТАМОВ**
**«Mahalla»**

Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан бугунги кунда маҳалла илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирган ўттиздан ортиқ ижтимоий-иқтисодий вазифани бажармоқда. Амалдаги қонунчиликда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бир қатор соҳаларда жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ваколатлари белгилаб қўйилган. Жорий йил 26 сентябрь куни матбуотда эълон қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Беш боб, 30 моддадан иборат қонунда ижтимоий шериклик




тушунчаси ва унинг асосий принциплари ўз ифодасини топган. Ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уни амалга ошириш тартиби, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига кенг ўрин берилган.

> [2]

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

## Очиқлик ва ошкоралик таъминланади

**Шу йилнинг 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Айни пайтда бу муҳим сиёсий жараёнга жойларда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.**

■ **С. БОЙМУРОДОВА**
**«Mahalla»**

Қашқадарё вилоятида сайлов компаниясини демократик принципларга мувофиқ юксак савияда ташкил этиш бўйича самарали ишлар олиб борилаётир. Асосий эътибор ушбу тадбирни амалдаги қонунлар, умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларга тўла мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлашга қаратиляпти. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашига депутатлар сайлови ўтказиладиган 59 та сайлов округи ташкил этилиб, уларнинг таркиби шакллантирилди. Очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида сайловга тайёргарлик босқичлари ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда фуқароларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти, жамиятда кечаётган жараёнларга бевосита дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда.

— Шу боис туманимиз аҳолисининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига доир саволларига аниқлик киритиш мақсадида сайлов комиссияларининг манзиллари ва телефон рақамлари кўрсатилган рўйхатни матбуотда эълон қилдик, — дейди халқ депутатлари Косон тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси раиси Нормурод Ҳамроев. — Туман кенгашига сайлов ўтказиладиган 30 та сайлов округи, 77 та сайлов участкаси тузилди. Айни вақтда сайловчилар рўйхати шакллантириляпти.

Мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга молик сайловларнинг эркин, очиқ ва адолатли ўтишида маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳам муносиб ўрни бор. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига асосан, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни фуқаролар йиғинлари ўзларининг йиғилишларида кўриб чиқиб, тавсия қилади. Шу асосда округ, участка сайлов комиссиялари таркиби шакллантирилади.

— Сайлов комиссияларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш мазкур жараённинг муҳим босқичи ҳисобланади, — дейди Бўлмос қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олим Ражабалиев. — Шу боисдан комиссиялар таркибини



шакллантиришга алоҳида эътибор қаратдик. Таркибга жамоатчилик орасида обрўли, ишчан ва профессионал сифатлари юқори кишилар қамраб олинди. Округ сайлов комиссиялари аъзолари сингари участка сайлов комиссияларига ҳам таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, жамоат бирлашмалари соҳаларида обрў-эътибор қозонган кишиларни аъзоликка номзод қилиб кўрсатдик. Уларнинг аксарияти олдинги сайловларни ўтказиш жараёнларида фаол иштирок этган.

— Бизнинг ҳудудда тузилган 2 та сайлов участкаси 6811 нафар сайловчига хизмат қилади, — дейди тумандаги «Арабхона» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайрат Мудтиллаев. — Бундан ташқари, сайлов округи ҳам маҳалла фуқаролар йиғини биносида жойлашган. Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибига жалб этилганлар орасида ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, фермерлар бор.

Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари хонадонма-хонадон юриб, ҳудудда яшовчи сайловчилар ҳақида маълумотлар тўплашда, сайлов участкалари жойлашган биноларни жиҳозлашда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

## Асрий орзулар рўёби

**Пурвиқор тоғлар орасида темир йўл қуриш осон иш эмас. Бунинг учун жарликлар устидан кўприк солиш, харсанг тошлардан иборат қояларни текислаш, мустаҳкам кўприклар қуриш, тоғни тешиб туннель очиш лозим бўлади. Хуллас, бу юмушлар ортида нафақат машаққатли меҳнат, балки катта сарф-харажат ҳам бор.**

■ **Илҳом РАҲМАТОВ**
**«Mahalla»**

Кейинги йилларда мамлакатимизда темир йўл қурилиши тўхтагани йўқ. Амалга оширилган бемисл бунёдкорликлар натижасида аҳолининг асрий орзуси ушалмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги «Электрлаштирилган Ангрен — Поп темир йўл линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан бугун довонга водийни мамлакат пойтахти билан боғлайдиган пўлат излар ўрнатилмоқда.

> [3]

ЭНГ НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

## Фаолиятда етакчи, йиғинларга кўмакчи



**Маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришда Фонд бўлим ҳамда бўлинмаларининг услубий кўмаги муҳимдир.**

■ **Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**
**«Mahalla»**

Шу мақсадда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизимида ташкил этилган «Энг намунали бўлинма» танлови маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида Амударё тумани бўлинмаси ғолибликни қўлга киритди. Зеро, бўлинма барча йўналишларда муваффақиятларга эришиб келмоқда.

> [2]

СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

# Орол ва оролбўйи муаммоларини бартараф этиш йўлида халқаро ҳамкорлик

< [1]

**Харви БОИСГУИЛЛАУМЕ, *Франция Экология, барқарор ривожланиш ва энергетика вазирлиги департаменти директори:***

— Ўзбекистонда Орол бўйидаги вазиятни яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар эътиборга молик. Ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор йирик, аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётир. Хоразм вилояти шифохоналарида аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шарт-шароит бизни ниҳоятда қувонтирди. Лекин бу борада ҳали яна кўп ишлар қилиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш зарур.

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция бутун дунё учун муҳим аҳамият касб этади. Форумда минтақадаги муаммолар атрофлича муҳокама қилиниб, Оролбўйидаги ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазиятни яхшилашга доир конструктив режалар ишлаб чиқилишига ишонамиз.

**Андреас БРУНДЕР, *Халқаро мустақил тиббий-гуманитар ташкилотнинг Марказий Осиёдаги минтақавий миссияси раҳбари:***

— Ташкилотимиз Ўзбекистон билан 1999 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келади. Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатингизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва тиббиёт объектларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор бераётгани алоҳида эътирофга молик.

Минтақада энг йирик сув ҳавзаларидан бирининг таназзулга учраши иқлим ўзгариши ва экологик мувозанатнинг ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу муаммога биргаликда ечим топиш зарур. Мазкур конференция экология масалаларини ҳал этиш учун янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, долзарб лойиҳа ва ташаббусларни муҳокама этиш имконини беради.

**Вильгельм МАЙЕР, *Швейцария Ташқи ишлар вазирлигининг сув соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича махсус вакили:***

— Ўзбекистонда сув таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида изчилислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатингизда ушбу мақсадлар учун катта миқдорда инвестиция сарфланаётгани, кўплаб сув ўтказиш тармоқлари, каналлар ва бошқа объектлар қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон экология масалаларини ҳал этишга комплекс равишда ёндашмоқда. Масалан, биз Қорақалпоғистон Республикасида янги боғ барпо этишда бевосита иштирок этдик. Келажакда бу боғ мазкур минтақада экологик аҳволни яхшилашга хизмат қилишига умид қиламиз.

**Эрнест РОБЕЛЛО, *Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг дастури раҳбари:***

— Манзарали дарахтлар боғида кўчат экиш халқаро анжуманга келган делегациялар аъзолари учун ушбу минтақада экологик аҳволни яхшилашга ҳисса қўшиш учун ажойиб имконият бўлди. Ҳамкорлик айнан шу тарзда мустаҳкамланади ва мазкур халқаро конференция ҳам шу мақсадга қаратилган.

Экологик офат ҳудудида янги боғ-роғлар, иҳота дарахтзорлари зонасини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш тизими объектларини реконструкция қилиш ва технологик янгилаш бу ерда яшаётган аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Конференция самарасида минтақада лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчилар сони янада кўпайишига ишонаман.

**Рафаэль ЖОЗАН, *Франция тараққиёт агентлиги ижрочи директори маслаҳатчиси:***

— Бой тарихий ва маданий меросга эга Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётда катта ютуқларга эришмоқда. Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш, янги саноат объектларини ташкил этиш борасидаги муваффақиятлар эътиборга молик.

Ташкилотимиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ўзаро англашув меморандуми имзолади. Энергетика тармоғи ва чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Айни пайтда Орол денгизи ҳавзасида ҳам ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилмоқда.

**ЎзА махсус мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Меҳрибон МАМЕТОВА ёзиб олди.**



ҚОНУН ТАРҒИБОТИ

# Ижтимоий шериклик — демократлашув сари янги қадам



< [1]

Қонунда ижтимоий шерикликнинг етакчи соҳалари сифатида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғини сақлаш, баркамол авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар назарда тутилганки, булар барчаси бевосита фуқаролар йиғинлари фаолияти билан узвий боғлиқ.

Шунингдек, қонунда фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишининг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ҳам мустаҳкамланди. Бу жараёнда ижтимоий шериклик давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Яқинда Вобкент туманидаги Имомқозихон қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилган мазкур қонун тарғиботига бағишланган йиғилишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими масъул ходимлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими вакиллари ушбу ҳужжатнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини амалий мисоллар орқали тушунтириб беришди.

— Қонунга кўра, фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши мумкин, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Вобкент тумани бўлинмаси раиси Раъно Абдуллаева. — Бу турли соҳаларга оид таклиф ва лойиҳаларни тайёрлашда ташаббуслар билан чиқиш ҳамда уларни ваколатли давлат органларига киритишда, ушбу ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини ўтказиш, улар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда намоён бўлади. Эндиликда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари таклиф ва ташаббусларини кўриб чиқиши шартлиги қонун билан кафолатланди.

— Ижтимоий шериклик, аввало, ҳуқуқий жиҳатдан тенг икки субъектнинг ўзаро ҳамкорлигидир, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими раҳбари ўринбосари Жасур Болтаев. — Тарихдан маълумки, давлат ва шахс ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўлганидагина давлат муваффақиятли ривожланади. Буни ҳисобга олмай, туб демократик ўзгаришлар учун зарур тартибни ўрнатиб бўлмайди. Бошқача айтганда, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий давлат ва аҳолининг фаол қисми ҳамкорлик асосида якдил бўлиб, ягона йўналишда ҳаракат қилиши керак. Бу давлат юритаётган сиёсатда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинишини таъминлайди. Шу боис давлат идоралари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорликда амалга ошираётган ишлар салмоғини оширишда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Қонундаги яна бир муҳим янгилик бу — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида жамоат фондлари ҳамда ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузилиши. Албатта, бу жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириб, уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтиради. Маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид фаолиятни янада рағбатлантиради.

Бир сўз билан айтганда, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлиги фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириши билан бирга давлат ва жамият қурилишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимининг кенгайиши, уларнинг фаолият соҳаларига хос янги қирралари очилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоя тизими мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК

# Олий шараф, улкан масъулият

**Ёш авлодни она юртга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ватанпарварлик мавзусидаги тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.**

**Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»**



Сурхондарё вилояти Бойсун тумани «Хўжабулғон» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган «Тинчликка қўрғонмиз, Ватанга посбон» мавзусидаги давра суҳбати шу эзгу мақсадга йўналтирилди.

— «Ватан остонадан бошланади», деган гап бежиз айтилмаган, — дейди фуқаролар йиғини раиси Хурсанд Ғаниев. — Ватан ҳимояси, аввало, инсоннинг ўз уйини, оиласини, яқинларини, маҳалласини, ота-боболарининг табаррук хоки ётган муқаддас тупроқни қўриқлашдан бошланади. Фарзандларимизни болалигидан ватанпарварлик руҳида тарбиялаб боришимиз, улар онгида юрт ҳимояси муқаддас бурч эканини шакллантиришимиз зарур. Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам ота-оналарнинг бу борадаги масъулиятини ошириш, ёшларда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш туйғусини кучайтиришдан иборат.

Тадбирда йигитлик бурчини ўтаётган ўғлонларнинг ота-оналари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

— Бугун миллий армиямиз сафида ҳар томонлама чиниққан, мард йигитлар қатори ўғлим Сайдуллажон ҳам хизмат қилаётгани билан фахрланаман, — дейди аскар йигитнинг онаси Гулихол Муродова. — Муддатли ҳарбий хизмат фарзандларимиз учун нафақат йигитлик бурчини адо этиш, айни пайтда, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини оширишда ҳам катта мактаб вазифасини ўтаётганига ўғлим хизмат қилаётган ҳарбий қисмга бориб гувоҳ бўлдим. Қисқа вақтда унинг ташқи кўринишида ҳам, фикрлаш тарзида ҳам катта ўзгаришлар бўй кўрсатганидан мамнун бўлдим. Айниқса, ҳарбий қисм раҳбарияти томонидан оиламиз номига ташаккурнома келганда жуда қувондик.

Шунингдек, тадбирда ҳарбий хизматни кўнгилдагидек ўтаб қайтган ўғлонлар ҳам таассуротлари билан ўртоқлашди.

— Бугун армиямиз сафида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун нафақат масъулиятли бурч, балки том маънодаги шарафга айланди, — дейди аскарлик бурчини ўтаган Азамат Ботиров. — Ҳарбий қисмларда аскарларнинг замон талаблари асосида билим олиши, касб кўникмаларини эгаллаши учун барча имкониятлар яратилган. Мен ҳам бу шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, олий ўқув юртларига кириш учун имтиёз олиб қайтдим. Ҳозир Тошкент темир йўл муҳандислари институтини битириб, Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлининг «Дарбанд» бекатида ишлаяпман.

Ватанни севиш инсон руҳиятига жо бўлган туйғу. Яшаганда ҳузур-ҳаловат туймоқ, олис кетганда соғинмоқ, хавф туғилганда мудофаага чоғланишдек ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлишига ана шу ҳилқат — она юртга муҳаббат туртки беради. Ҳа, ҳикматларда ҳаёт ҳақиқати мужассам. Зеро, Ватанни кўз қорачиғидек асраб, уни ардоқлаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди.

ЭНГ НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

# Фаолиятда етакчи, йиғинларга кўмакчи

< [1]

— Амударё тумани бўлинмаси фаолиятини ҳар жиҳатдан бошқа бўлинмаларга ўрнак сифатида кўрсатса арзийди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Ажиниёз Мнажов. — Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашда, фуқаролар мурожаатларини қаноатлантиришда бўлинма ўзига хос тажрибага эга.



Бўлинма томонидан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда. Байрамлар муносабати билан жорий йилда 195 та кам таъминланган оилага 18,5 миллион сўмлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Давлат дастури доирасида эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг Хива шаҳрига саёҳати уюштирилди. Шунингдек, меҳрга муҳтож болалар ёзги оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди. Ушбу мақсадларга Фонд ҳисобидан 50 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан маҳаллалардаги, айниқса, чекка қишлоқлардаги 50 нафар ёлғиз кекса, 50 нафар ногирон ва 50 та кам таъминланган оиланинг уй-жойларини таъмирлашга ёрдамлашилди. Бундай хайрли ишларда ҳомий ташкилотлар томонидан 18,5 миллион сўм, Фонд ҳисобидан 1,2 миллион сўм маблағ ажратилди.

Икки нафар вояга етмаган ногирон болага махсус аравача туҳфа этилди, ижтимоий муҳофазага муҳтож 5 та ёш оилага тўй маросимларини ўтказишда кўмаклашилди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Фонд томонидан 15 миллион сўм маблағ ажратилиб, компьютер жамланмалари, мебель жиҳозлари, чегара ҳудудида жойлашган маҳаллаларнинг 16 нафар «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарига велосипед, тўртта фуқаролар йиғинига мобиль телефон олиб берилди. «Гулзор» маҳалласининг биносини таъмирлаш учун 21,9 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ҳар йили туман миқёсида ўтказилаётган «Энг обод маҳалла», «Маҳалла — халқ виждони», «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари», «Энг намунали ота-оналар университети» каби кўрик-танловларни юқори савияда ўтказиш ҳамда ғолибларни рағбатлантиришда бўлинманинг муносиб ҳиссаси бор.

Бўлинма «Соғлом бола йили» Давлат дастури, соҳага доир қонун ва қонуности ҳужжатларини ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2014 йилга мўлжалланган Иш режасида белгиланган устувор вазифаларни уддалашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

МАСЪУЛ КОТИБ МАСЪУЛИЯТИ

# Малака маҳорат билан уйғун

**— Фуқаролар йиғини фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан масъул котибнинг малакасига боғлиқ, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах тумани бўлинмаси раиси Ўрол Ўрозбоев.**

**Бек НАЗАР «Mahalla»**

— Бу лавозимдаги ходимнинг билими, тажрибаси фуқаролар йиғини фаолияти самарадорлигида қўл келади. Ўзим кўп йил фуқаролар йиғинида масъул котиб сифатида ишлаганим боис ушбу масъулиятли, айни пайтда, шарафли вазифа юкини чуқур ҳис қиламан. Ҳозир туманимизда фуқаролар йиғинлари ишини яхши биладиган тажрибали масъул котиблар анчагина. Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Заҳро Эгамбердиева ана шундай ходимлардан.

Учтепа тумандагина эмас, балки вилоятдаги намунали фуқаролар йиғинларидан бири. Таркибига учта маҳалла бирлашган ушбу йиғин ҳудудидаги 1700 дан ортиқ хонадонда 12 минг 150 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётир. Қишлоқда турмуш фаровонлигини юксалтириш, осойишталикни таъминлашга доир ишларда самарадорликка эришиш учун ташкил этилаётган йиғилишларда, суҳбатларда билдирилаётган таклифлар, тузилаётган лойиҳа ва режалар аҳоли турмуш фаровонлигини барқарорлаштиришда қўл келаётир.

Ҳар қандай йиғилиш аниқ мақсадга қаратилган амалий ҳаракатнинг илк босқичи сифатида уни уюштирадиганлардан катта масъулият талаб этади. Тайёргарлик кўришда эса оқсоқоллар кенгаши аъзоларини муҳокама этиладиган масала, ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан таништириш ҳам масъул котибнинг зиммасидаги вазифа. Бу ишларни ташкил этишда масъул котибнинг тажрибаси қўл келмоқда.

Айни пайтда қишлоқ фуқаролар йиғини кенгаши томонидан қабул қилинган 20 дан зиёд ҳужжат ижроси устидан назорат олиб борилаётир. Қолаверса, йиғин ҳузуридаги комиссиялар фаолиятини ташкил этиш, фуқароларни қабул қилиш ҳам масъул котибнинг зиммасидаки, бу юмушлар унинг бир кунлик иши кўлами залворли эканини кўрсатиб турибди.

— Ҳа, ишимиз кўп, баъзан уйда ҳам ёзув-чизув билан машғул бўламан, — дейди масъул котиб Заҳро Эгамбердиева. — Аммо буларнинг барчаси элимизнинг фаровонлиги, юртимиз ободлиги, маҳалладошларимнинг тинч, хотиржам яшаши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам менга руҳий мадад беради. Ҳужжатлар қўлда ёзилган, кейинчалик ёзув машинкасида босилган пайтларда ҳам ишлаганман. Ҳозир компьютердан фойдаланаётганимиз учун ишимиз анча енгиллашди. Яна бир муҳим жиҳат шуки, йиғинимизда ходимлар ўртасида иш тақсимоти, ижро интизоми жамоат топшириғини сидқидилдан бажарадиган фаолларимиз бор.

Фаоллар кўмаги, компьютер воситалари масъул котиб меҳнатини енгиллаштираётгани аниқ. Аммо, биринчи навбатда, йиғин фаолиятини режалаштиришдан бошлаб амалга оширишгача бўлган жараёндаги маълумотномаларни, ҳисоботларни тўплаш, йиғилишларни ўтказиш тартибларини ишлаб чиқиш, баённомалар тузиш, қарорлар лойиҳасини тайёрлаш каби ишларни пухта ва саводли бажаришда масъул котибнинг билим ва малакаси жуда зарур. Заҳро Эгамбердиева фаолиятида айни шу мезонлар акс этиб тургани эътиборга сазовор.



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# Асрий орзулар рўёби



< [1]

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳа нафақат юртимизда, минтақада ҳам беқиёслиги билан эътиборга молик. Умумий узунлиги 123 километрдан зиёд, жумладан, туннель қисми 19,1 километрни ташкил этадиган қурилишга минглаб мутахассис ва ишчилар, 550 дан зиёд замонавий техника жалб этилгани мазкур бунёдкорлик кўлами нақадар катта эканидан далолат беради.

Ҳозир қурилиш ишлари авжида. Айниқса, Наманган вилоятининг Поп тумани ҳудудида бажарилаётган ишлар билан танишарканмиз, ишчи-хизматчилару маҳаллий аҳолининг кўтаринки кайфиятига гувоҳ бўлдик. Хусусан, тоғли Чодак қишлоғида бевосита қурилиш билан боғлиқ юмушларда фуқаролар йиғинларининг ҳам ҳиссаси бор.

— Темир йўлнинг салкам 40 километрга яқин қисми ҳудудимиздан ўтади, — дейди Чодак қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳматали Роҳаталиев. — Жумладан, 5 та маҳаллада темир йўл ўтадиган 124 та аҳоли тураржойи бор. Шу боис хонадонларни бошқа жойга кўчириш учун маҳаллий ҳокимлик, жамоат ташкилотлари билан бирга амалий ишларга киришганмиз. Ҳозиргача 92 та хонадон эгалари янги жойларга кўчиб, ҳовли тўйлари ўтказди.

Раис билан суҳбатимиз давомида темир йўл тушгани боис бошқа жойда уй-жой қурган аҳоли вакилларининг фикри билан ҳам қизиқдик.

— Ота-боболаримдан қолган 4 хонали уйда фарзандларим, келиним билан яшардик, — дейди «Қўшминор» маҳалласида яшовчи Алижон Абдувалиев. — Эски уйни замонга мослаб таъмирлаш ёки қайта қуришга қурбим етмаётган эди. Темир йўл ўтиши муносабати билан кўчишимиз лозимлигини эшитиб, дастлаб бироз хавотирга тушдим. Менга ва ўғлимга уй-жой қуриш учун ёнма-ён 6 сотихдан ер ажратилгач, товон пули ҳам тўлашди. Бу маблағга тиклаб олган иморатимизга иккита оила бемалол жойлашдик. Қишлоғимиздан ўтаётган темир йўл келажакда юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади. Шу боис унинг қурилишига имкон қадар ҳиссамиз қўшилганидан хурсандмиз.

Таъкидлаш жоизки, бунёдкорлик доирасида бошқа жойга кўчаётган аҳоли вакиллари ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлимлари мутахассислари жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 15 октябрдаги шу масалага доир йиғилиш баёнида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан тузган иш режаларимизни қайта кўриб чиқдик, — дейди Фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Шуҳратжон Кенжаев. — Ҳужжатга асосан тарғибот тадбирлари кўлами ва қамрови кенгайтирилди. Вилоят зиёлилари, соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳлар тузилди. Улар Поп тумани ҳудудидаги қурилиш давом этаётган объектларда бўлиб, нафақат аҳоли, балки оламшумул қурилишда иштирок этаётган ишчилар билан ҳам учрашувлар ўтказишяпти.

Маълумотларга кўра, «Ангрен — Поп» электрлаштирилган темир йўл қурилиши доирасида 266 та сунъий иншоот, 6 та темир йўл станцияси, 2 та вокзал ва 3 та тортиш электр станциялари барпо этилади. Табиийки, буларнинг барчаси нафақат йўловчилар, балки шу ерда яшаётган аҳоли турмушини янги босқичга кўтариш, мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш имконини беради. Ана шундай улкан бунёдкорлик ишига кўмаклашиш ҳар бир юртдошимизнинг мақсадига айланган.

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — ЕТАКЧИ КУЧ

# Муваффақият қулай ишбилармонлик муҳитидан

**Амударё туманидаги Қиличбой овул фуқаролар йиғини ҳудудига кираверишда салкам икки юз гектарли «Амирхон» фермер хўжалигининг дала майдони ястаниб ётибди. Атрофи дов-дарахтлар билан ўралган, ариқ-зовурлар тоза, теварагига анвойи экилган гуллардан баҳридилингиз очилади.**



■ **Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**
**«Mahalla»**

Фермер хўжалиги раиси Отахон Қурбонниёзов талабчан, тиниб-тинчимас ишбилармонлардан. Шу боис хўжалик аъзоларидан ҳам фаолликни талаб қилади. Ердан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олган деҳқон ҳар йили шартнома режасини ортиғи билан бажаради. Бу йил ҳам зиммасидаги масъулиятни уддалади: 1,1 тонна пилла, 48 тоннадан зиёд ғалла, 443 тонна пахта, 14 тонна мева, 1,4 тонна балиқ, 14 тоннага яқин сабзавот маҳсулотлари етиштирди.

Фермер 2002 йили мазкур хўжаликни тузганида шўрланган ерни ёввойи ўтлар босиб кетганди. У ишни ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан бошлади. Ҳукуматимиз кўмаги-ю тажрибали омилкорларнинг маслаҳати ва тинимсиз меҳнати эвазига бугун илғор фермер хўжаликларидан бирига айланди.

— Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ютуқларимиз омили бўлмоқда, — дейди фермер. — Дала экинлари билан чекланиб қолмай, банк кредити ҳисобига 3 гектар майдонда боғ яратдик. Олинаётган даромад ҳисобидан балиқчилик, асаларичилик ва чорвачиликни ҳам ривожлантиряпмиз. Хўжаликда 102 нафар киши мавсумий, 38 нафар киши доимий асосда меҳнат қилади. Уларни ўз вақтида рағбатлантириб бориш диққат-эътиборимизда.

Эл ҳурматини қозонган фермер фуқаролар йиғини билан маслаҳатлашиб, маҳаллада автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини, дўконлар ва тикувчилик цехини очиб, ёшлар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшди.

— Фермеримиз ёшларни ишли қилиш билан бирга, хайрия тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб келяпти, — дейди фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Жуманиёзова. — Ҳудудимиздаги 15-умумтаълим мактаби таъмирига муносиб ҳиссасини қўшди. Овулимиз марказий кўчасига асфальт ётқизишда ёрдамлашди. Шунингдек, йиғинимиз тавсияси билан маҳалламиздаги кам таъминланган оилага соғин сигир олиб берди.

Дарвоқе, О.Қурбонниёзов айни пайтда «Қиличбой» муқобил машина-трактор парки раҳбари, туман фермерлар кенгаши раиси лавозимларида ҳам фаолият юритмоқда.

Юрт равнақи йўлидаги фидойилиги, эришган ютуқлари уни элда обрў-эътиборли қилди, меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 2008 йилда «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвони, 2010 йилда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишони соҳиби бўлди. Бу йил эса, Юртбошимизнинг Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Эришаётган ютуқларим жамоамизники. Хизматимиз юксак эътирофга лойиқ кўрилаётганидан руҳланиб, янада янги марралар сари интилишимизда бизга қанот бағишлаётир, — дейди фермер.

Қиличбойликлар ишнинг кўзини биладиган фермер билан фахрланишади.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

# Лимондан миллионлаб даромад

**Бойсун туманидаги «Хўжабулғон» маҳалласи аҳли ердан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олган. Миришкорлар ўз оилавий даромадини ошириши билан бирга, кам таъминланган оилаларга кўмак беришаётир.**

■ **Ф.ЭСОНОВ**
**«Mahalla»**

Маҳаллада илк бор лимон етиштиришни йўлга қўйган Бойқобил Тўраев дастлаб 15 миллион сўм эвазига томорқасида иссиқхона қурди. Қисқа вақтда даромад харажатларни қоплагач, иссиқхонани кенгайтирди.

— Бу цитрус мевага аҳолининг эҳтиёжи катта, — дейди Б.Тўраев. — Муҳими, инсон саломатлиги учун ҳам лимон жуда фойдали. Шу боис томорқамда ушбу маҳсулотни етиштиришга қарор қилдим. Иссиқхона фаолиятини йўлга қўйишимда йиғин фаоллари яқиндан ёрдам берди.

Лимонлар ҳосилга кирган дастлабки вақтларда миришкор йилига 2-3 миллион сўм даромад қилган бўлса, бугун унинг миқдори 5-7 миллион сўмни ташкил қилмоқда. Айни пайтда, тадбиркор оиласининг беш нафар аъзоси доимий меҳнат билан банд.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда оилавий бизнесни йўлга қўйиб, турмуши фаровонлашаётган хонадонлар талайгина. Бойсун тумани маҳаллаларида ҳам томорқасини қўшимча даромад манбаига айлантираётган оилалар сони тобора ортиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.



ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ҒАВҒОСИ

# Ўзга юртдан ўз юртингда топганинг баракали

**Ширкатнинг чорвасини боқиб юрган Дусенбой бировларнинг гапига кириб, кутилмаганда чет элга кетиш тараддудига тушиб қолди.**



■ **Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**

Кекса ота-онасининг, муштипар аёлининг уни бу йўлдан қайтариш илинжида айтган сўзларига қулоқ солмади. Ойлик маошини ҳам кутмай, оғилдаги ҳўкизини бозорга чиқариб ўтишича сотди-ю, чипта олди.

Дусенбой хато қилганини англаганида кеч эди. Энди ортга йўл йўқ, паспортини ҳам олиб қўйишган. Шундай қилиб, қарийб бир йил умри бегона ўлкада сарсон-саргардонликда ўтди. Уйга пул жўнатолмагани етмагандек, юртга қайтиш учун йўлкирага ҳам маблағи йўқ эди. Тинимсиз меҳнат, оғир шароит туфайли соғлиғидан ажралди. Ишга ярамай қолганидан сўнг шу қора кунларига сабабчи бўлган, узоқ йиллардан буён хорижда юрган, уни ҳам алдаб, тўкис шароит, даромадли иш ваъда қилиб олиб кетган собиқ синфдоши Жалдас «хўжайин»дан паспорти ва маошининг бир қисмини олиб берди.

Навоий вилоятининг Томди туманидаги Сукетти овул фуқаролар йиғини фаоллари Дусенбойнинг уйга қайтганидан хабар топиб, дарҳол уни кўргани келишди. Йиғиннинг тавсияси билан бепул тиббий кўрикдан ўтгач, у бир муддат туман тиббиёт бирлашмасида даволанди. Бироқ шифокорларнинг хулосасига кўра, совуқ ўлкада ўпкасини шамоллатиб қўйгани боис чўпонлик қилиш саломатлигига мутлақо тўғри келмас экан. Жонига яна йиғин фаоллари оро кирди. Унга пойабзал таъмирлаш цехи очиб беришди. Бу ишга анча-мунча уқувли Дусенбой ҳозир овулдошлари хизматида.

Дунё ҳамжамиятини ташвишлантираётган одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ранг-баранг, янгича кўринишларда тобора авж олмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, бунга жаҳон иқтисодининг ривожланиши, транспорт тараққиёти, маҳаллий ва давлатлараро миграция жараёнининг фаоллашуви сабаб бўлмоқда. Маълумотларга кўра, ҳар йили ер юзида 4 миллиондан ортиқ катта ёшдагилар, 10 миллион бола қулликка гирифтор бўлмоқда. Йилда ўртача 2 миллионга яқин аёл мазкур жиноятнинг қурбонига айланяпти. Уюшган жиноий гуруҳлар одам савдосидан 32 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад топмоқда.

Юртимизда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, бунга чек қўйиш ва ушбу жиноят учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Президентимизнинг шу йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юртимизда мазкур муаммога қарши курашишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

— Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ушбу жирканч иллатнинг хавфли оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш, фуқароларни мавжуд ҳолатдан огоҳ этиш муҳим аҳамият касб этади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Томди тумани бўлинмаси раиси Д.Кетебаев. — Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик қўл келиши тайин. Биз бу борада туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда тиббиёт бирлашмаси билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида жорий йил бошидан буён ўз яшаш жойидан узоқ муддатга чет элга чиқиб кетган фуқаролардан 139 нафарини қайтаришга эришдик. Уларнинг 30 нафари аёллардир.

Дарҳақиқат, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик хориждан қайтган ва одам савдоси жиноятидан зарар кўрган фуқароларга тиббий, психологик, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоялашда муҳим омил бўлаётир. Жумладан, уларнинг барчаси тиббий кўрикдан ўтказилиб, 112 нафари ишга жойлаштирилди.

— Ноқонуний миграциянинг олдини олишда самарали воситалардан бири янги иш ўринларини ташкил этишдир, — дея суҳбатимизни давом эттиради Д.Кетебаев. — Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилда 7 та овул фуқаролар йиғинида 10 тадан, жами 70 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Ҳозиргача Томдибулоқ, Ақтов, Сукетти, Кериз, Керегетау, Шиели ҳамда Аяққудуқ овулларида жами 53 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада тикувчилик, видео ва суратга олиш, сартарошлик, пойабзал таъмирлаш, компьютер хизмати, нусха кўчириш, автомобилларни таъмирлаш хизматлари ва «Paynet» тўлов шохобчалари барпо этилиб, 100 нафардан зиёд киши иш билан таъминланди.

Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида ташкил этилган «Мониторинг маркази»да ноқонуний миграциянинг олдини олиш бўйича бажарилган ишлар ўрганиб борилмоқда. Марказ ҳар ойда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Томди тумани бўлинмасига умумлашган маълумот тақдим этади.

Шунингдек, йил бошидан бўлинма томонидан туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши билан ҳамкорликда мазкур йўналиш бўйича жами 317 та тадбир ташкил этилди. Ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларига одам савдоси жиноятидан жабрланганлар ҳам жалб этилиб, аҳоли, айниқса, ёшларга турли алдовларга учмаслик, тинч ва осуда ҳаётини барбод қилмаслик ҳақида маслаҳатлар берилмоқда.

ТАРАДДУД

# Қиш иссиқ ва ёруғ уйларда ўтади

**Куз фасли кириб келиши билан ҳароратнинг пасайиши туфайли нафақат ижтимоий объектлар, корхона ва ташкилотлар, балки аҳоли тураржойларида ҳам мавсумга тайёргарлик қизғин тус олди.**

■ **Элёр БОЙМИРЗАЕВ**
**«Mahalla»**

Хусусан, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган йили кузатилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда бу йилги куз-қиш мавсумини хотиржам ўтказиш мақсадида тарғибот, тушунтириш тадбирлари кучайтирилмоқда. Бунда мутасадди ва масъул ташкилотлар ходимларининг ҳамкорлиги қўл келаётир.

Бугунги кунда маҳалладаги 28 та кўп қаватли уй, 2233 та хонадонга 7 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатаётир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида режа асосида 27 та уйнинг ертўласи ҳамда 17 та уйнинг томлари, кириш йўлаклар таъмирдан чиқарилиб, деразаларнинг синган ойналари алмаштирилди. Ҳозир иситиш тизимлари синовдан ўтказилмоқда. Шунингдек, маиший чиқиндилар ташлаш жойларига контейнерлар ўрнатилди, туман ободонлаштириш бошқармаси тўпланган чиқиндиларнинг вақтида ташиб кетилишини назоратга олган. Ёғингарчилик мавсумида сув йиғилмаслиги учун ички йўлларга асфальт ётқизилиб, ариқ ва канализация қувурлари тозаланди.

Бундан ташқари, ҳудудда истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ, иссиқ ва совуқ сувдан қарздорликни бартараф этиш чоралари кўрилаётир.

— Ширкат раислари билан бирга коммунал хизматлардан қарздор хонадонларда бўлиб, тушунтиришлар олиб боряпмиз, — дейди, йиғин раиси Маъруфа Раҳмонбердиева. — Натижада масъулиятли ва интизомли истеъмолчилар сафи тобора ортиб бораётир. Қолаверса, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида акциядорлик тижорат банкларидан бири билан шартнома тузиб, ҳудудимизда коммунал тўловларни қабул қилиш шохобчасини очяпмиз. Бунинг учун керакли ҳужжатлар тайёрланиб, маҳалла идораси биносидан алоҳида хона ажратилди. Энди фуқаролар тўловларни маҳалламиздан чиқмай тўлаш имкониятига эга бўлишди.



Йиғин аҳли, фаоллар ва ширкат раислари билан маҳаллани тоза ва озода сақлаш, таъмирлаш ва ҳашар тадбирларини уюштириб, мавсумга доир муаммоларни ҳал қилишаётир.

Амалга оширилаётган бундай ишлар коммунал соҳасидаги хизматлар сифатини янада яхшилаб, аҳолининг қиш мавсумини муаммосиз ўтказишини таъминлайди.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

# Кўргазма корхонага йўллади

**Бугунги кунда янги иш ўринлари яратиб бандлик масаласини ҳал қилиш аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили саналади.**

■ **Зебинисо ҲАЙИТОВА**
**«Mahalla»**

Шу муносабат билан Самарқанд вилояти Оқдарё тумани ҳокимлиги, прокуратура, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида бўш иш ўринлари кўргазмаси ташкил этилди.

Унда тумандаги юздан зиёд ташкилот ва корхоналар ўзларидаги 340 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашишди. Тадбир давомида 37 нафар фуқаро иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлашди. Уларнинг 16 нафари хотин-қизлардир.

— Мазкур ярмарка натижасида мутасаддилар кўмагида «Nisi Multifruits trade» масъулияти чекланган жамиятига ишга кирдим, — дейди Фотима Аҳмедова. — Қулай меҳнат шароити, яхшигина маоши ҳамда оиламга яқин жойдалиги мени жуда қувонтирди. Энг асосийси, фарзандларим ёнида бўлиб, уларнинг таълим-тарбиясини назорат қилишга имконим борлигидан оила аъзоларим ҳам мамнун.

Мутахассислар 150 нафардан зиёд фуқарога меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳатлар беришди.

ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ — 2014

# Ўзбекистон спортчиларининг Параосиё ўйинларидаги юксак ғалабалари

< [1]



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан спортни ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2002 йилда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида юзлаб замонавий, зарур шароитларга эга спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, сузиш ҳавзалари, стадион ва спорт манежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда ўғил-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришнинг муҳим воситаси сифатида таълим тизимида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқичли спорт ўйинлари жорий қилингани ёшларимизнинг соғлом бўлиб улғайиши баробарида уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламари, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланишини таъминлаш доимий эътиборда.

Бу жиҳатларни 2013 йили пойтахтимизда ўтказилган «Осиёда Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш» мавзусидаги халқаро анжуманда Осиё паралимпия қўмитаси президенти Дато Зайнал Абу Зарин алоҳида таъкидлаган эди: «Ўзбекистонда Олимпия ва Паралимпия дастурига киритилган спорт турлари жадал ривожланмоқда. Бу Президентингиз томонидан олимпия ва паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, мамлакатингизда жисмоний тарбия ва спортни аҳолининг барча қатламлари — болалар, қизлар, ёшлар, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлар ўртасида оммалаштиришга улкан эътибор қаратилаётганининг самарасидир. Бундай хайрли ишлар бошқа мамлакатлар учун намуна ҳисобланади».

Ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўтиб, кўзлаган мақсади сари дадил қадам ташлайдиган, иродаси мустаҳкам, сабр-тоқат, шижоат ва матонат бобида кўпчиликка ўрнак бўла оладиган инсонларнинг саъй-ҳаракати, эришаётган натижалари ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтган «Параосиё — 2014» мусобақаларида Ўзбекистон спортчиларининг интилиши, ғалабага бўлган юксак ишончи уларнинг эришган натижаларида яққол намоён бўлди. Паралимпиячиларимиз Ватанни мадҳ этиш, унинг обрў-эътиборини юксалтиришдек эзгу мақсадини, фарзандлик бурчини чин дилдан адо этди.

Ўзбекистон паралимпиячиларининг мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўришида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Қарорга кўра, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Параосиё ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Инчеонда ўтган мазкур нуфузли мусобақада қирқдан зиёд мамлакатдан фақат 32 тасининг спортчилари шоҳсупага кўтарилди, шундан 23 давлат вакиллари олтин медалга сазовор бўлди.

2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Параосиё ўйинларида Ўзбекистон паралимпиячилари 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза, жами 6 медални қўлга киритган эди. Бу галги мусобақаларда олтин медалларимиз 20 тадан ошди. Ҳатто, қатнашувчи спортчилари бизникидан бир неча баробар кўп бўлган айрим давлатлар ҳам шунча олтин медални қўлга кирита олгани йўқ.

Бу кўрсаткич, бу ютуқлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор, юртимизда истеъдод соҳиблари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг амалий самараларидир.

Спортчиларимизнинг енгил атлетика баҳсларида эришган натижалари ҳам таҳсинга лойиқ. Ушбу спорт тури бўйича нафақат қитъамизда, балки жаҳонда етакчилардан бири сифатида эътироф этиладиган паралимпиячиларимиз 8 олтин, 4 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритиб, бу эътироф тасодиф эмаслигини яна бир карра исботлади.

Енгил атлетикачиларимиздан спорт делегациямиз ҳисобига дастлабки олтин медални Фахриддин Ҳамроев келтирди. У 800 метр масофага югуриш мусобақасида маррага биринчи етиб келиб, Осиё рекордини янгилади. Шунингдек, у 200 ва 400 метрга югуришда ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Унинг 400 метрга қайд этган натижаси ҳам Осиё рекорди, ҳам Параосиё ўйинлари рекорди сифатида қайд этилди.

Иқтидорли енгил атлетикачимиз Маъруфжон Муродиллаев 1500 метр ва 800 метр масофага югуриш баҳсларида маррага биринчи келиб, икки марта шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. У мазкур масофаларда эришган натижалари билан Осиё рекордчисига айланди.

Яна бир олтин медаль 4х100 метр масофага югуриш бўйича ўтказилган жамоавий баҳсда қўлга киритилди. Терма жамоамиз сафида Миран Сахатов, Дониёр Солиев, Улуғбек Чориев ва Фахриддин Ҳамроев энг юқори натижани кўрсатди.

Ўзбекистон спорт делегацияси байроқдори Мавлонбек Ҳайдаров ядро улоқтириш мусобақасида 14 метр 39 сантиметр натижани қайд этиб, Осиё рекордини ҳам янгилади.

— Параосиё ўйинлари очилишида бошим узра баланд кўтариб ўтган давлатимиз байроғини шоҳсупада ҳам энг баланд поғонага кўтаришни ният қилган эдим, — дейди М.Ҳайдаров. — Ниятимга етганимдан, менга юксак ишонч билдирган мураббийларим, халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлаганимдан беҳад хурсандман.

Енгил атлетиканинг диск улоқтириш баҳсларида иштирок этган Ҳусниддин Норбеков 53 метр 84 сантиметр натижани қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади. Тажрибали спортчимиз ядро улоқтиришда кумуш медалга сазовор бўлди.

Узунликка сакраш мусобақаларида иштирок этган Фаррух Мирзақулов кумуш, турли масофаларга югуриш бўйича Миран Сахатов иккита кумуш, Сирожиддин Норов иккита бронза ва Дамир Пашаев битта бронза медаль билан тақдирланди.

Инчеондаги мусобақанинг дзюдо бўйича ўтказилган беллашувларида спортчиларимиз еттита олтин, биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

2012 йил Лондонда ўтган Паралимпия ўйинлари кумуш медаль совриндори Шариф Халилов вазни 81 килограммгача бўлган полвонлар мусобақасида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Тажрибали полвонимиз эронлик Саид Нури Жаъфарийни, япониялик Юсуке Хатсусени, ҳал қилувчи баҳсда таиландлик Рунг Чатфуенгни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Қитъамиз спортчиларининг нуфузли мусобақасида Ватанимиз байроғини сарбаланд этиб, мадҳиямиз баралла янграшига ўз ҳиссамни қўшганимдан беҳад бахтиёрман, — дейди Ш.Халилов. — Бундай ғалабаларимиз замирида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидор ва истеъдодини юзага чиқариш учун қаратилаётган юксак эътибор ва доимий ғамхўрлик мужассамдир.

Яна бир маҳоратли спортчимиз, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Одилжон Тулендибоев энг оғир вазндаги полвонлар беллашувида ўз салоҳиятини намоён этди. У ҳал қилувчи баҳсда эронлик Ҳамза Надрийни 19 сонияда енгиб, Параосиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Мусобақанинг вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Феруз Саидов ҳам терма жамоамиз ҳисобига олтин медални туҳфа этди. Полвонимиз чорак финалда ҳиндистонлик Манохаран Янакираманни, ярим финалда япониялик Хидекацу Такахашини, ҳал қилувчи баҳсда эронлик Муҳаммад Али Шананини мағлубиятга учратиб, Параосиё ўйинлари ғолибига айланди.

Полвонларимиздан Шерзод Намозов, Нурбек Бердиёров, Шуҳрат Бобоев, қизлар баҳсида Севинч Салаева ҳам ўз вазн тоифасида барча рақиби устидан муваффақият қозониб, олтин медални қўлга киритди.

Гулруҳ Раҳимова кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Ширин Шарипов кучли учликдан жой олди.

Сузиш баҳсларида иштирок этган ҳамюртимиз Кирилл Паньков бир йўла тўртта, Дмитрий Хорлин учта олтин медални қўлга киритди. 2012 йили Лондонда ўтган Паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, икки марта Осиё рекордини ўрнатган Кирилл Паньков 50 ва 100 метр масофага эркин, 100 метрга чалқанча усулда ва 200 метрга комплекс сузиш бўйича рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган бўлса, Дмитрий Хорлин 50, 100 ва 400 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Эътиборлиси, Дмитрий Хорлиннинг ҳар уч йўналишда, Кирилл Паньковнинг 50 метр масофага эркин сузишда қайд этган натижаси Осиё рекорди сифатида эътироф этилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон паралимпиячилари II Параосиё ўйинларида ўз маҳорати, матонати ва шижоатини тўла намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Спортчиларимиз келажакдаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XV Паралимпия ўйинларида бундан-да юксак ғалабаларга эришиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлашига ишонамиз.

**ЎзА**




## Ҳарбий база топширилди

**Британия ҳарбийлари Афғонистон жанубидаги Ҳелманд вилоятида жойлашган ҳарбий базасини мамлакат қўшинларига топширди.**



Кэмп-Бастион деб аталувчи мазкур маскан Британия қўшинларининг асосий базаси эди. Шунингдек, мамлакат жанубида 137 та патруль база ҳам фаолият юритган.

2001 йилдан буён Афғонистонда жами 140000 британиялик ҳарбий ташриф буюрди, 452 нафари ҳалок бўлди. Уларнинг афғон заминидаги фаолияти 30 млрд. АҚШ долларига тушди.

Жорий йил Афғонистондан хорижий қўшинларни олиб чиқишнинг охирги йили этиб белгиланган. Келгуси йилдан мамлакатда кам сонли Британия ҳарбийлари қолади. Уларнинг асосий вазифаси Кобул шаҳридаги ҳарбий академияни бошқаришдан иборат.

## Ҳужумдан кейинги баёнот

**Миср Президенти Абдул Фаттоҳ ал-Сисининг айтишича, мамлакат жангарилар ҳужумлари оқибатида барбод бўлиш хавфи остидадир.**

Синай ярим оролида кўп сонли аскарлар нобуд қилинган ҳужумлардан сўнг давлат раҳбари шундай баёнот берган. Жума куни Эл-Ариш шаҳри яқинида юз берган портлашда камида 31 нафар аскар ҳалок бўлди. Ярим оролнинг баъзи ҳудудларида уч ойлик комендантлик соати эълон қилинган, Миср ва Ғазо музофоти орасидаги Рафаҳ ўтиш нуқтаси ёпиб қўйилган. Миср бўйлаб уч кунлик мотам эълон қилинган.



Портлаш Синай шимолида армия жангариларга қарши амалиётларни ўтказаётган вақтда юз берди. Ҳужум учун масъулиятни ҳеч бир гуруҳ ўз зиммасига олмади.

## Йўловчилар жамоат транспортида

**Дубайда хусусий автоуловидан воз кечиб жамоат транспортидан фойдаланганларга олтин ғиштни қўлга киритиш имкони берилади.**



«Gulf News» хабар қилишича, амирлик 1 ноябрь — жамоат транспорти куни муносабати билан 4 кг.лик соф олтинни тақдим қилишга тайёр. Расмийлар шу йўл билан дубайликларни хусусий автомобилларидан фойдаланишни чеклашга ўргатишмоқчи.

Олтин ғишт ва бошқа совғалар бир ҳафта давомида ўйналадиган лотереяга қўйилади. Уларнинг умумий қиймати 1 млн. дирҳам, яъни 272 минг АҚШ долларига тенг. Совғаларни Дубай транспортининг узоқ муддатли йўл чипталаридан фойдаланувчилар ютиши мумкин.

Дубай жаҳондаги энг кўп машиналарга эга шаҳарлардан биридир. У ерда ҳар бир оилага ўрта ҳисобда 2.3 та автомобиль тўғри келади. Амирликнинг фақат 13 фоиз фуқароси жамоат транспортидан фойдаланади.

**Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ

## Ҳам мазали, ҳам фойдали

**Қовоқ — қадимда ҳам тиббиётда кенг қўлланилган. Таркиби углевод, витамин, шакар, крахмал ва минералларга бойлиги туфайли қовоқдан турли касалликларни даволаш ва олдини олишда фойдаланилган.**

**М. РАҲИМОВА,**
**Сергели туманидаги 12-оилавий поликлиника шифокори.**

Кунига икки марта асал аралаштирилган қовоқ бўтқаси тановул этилса, юрак хасталикларига малҳам бўлади: юрак уриши меъёрига тушиб, артериал қон босими, қондаги холестерин камаяди, гемоглобин миқдори ошади. Ошқозон-ичак йўллари хасталанганда дастлаб кунига 30-50 грамм, кейинчалик 500 граммгача қовоқ истеъмол қилинса, бу аъзоларда озуқа моддаларининг сўрилиши яхшиланади, ичаклар юмшайди.

Қовоқда кўз фаолиятини яхшилайдиган каротин моддаси кўплиги боис кўриш қобилияти сусайган беморларга қовоқ шарбати ичиш тавсия этилади. Қовоқ шарбати тиш ва милкдаги шамоллашдан, турли нохуш ҳидлардан ҳам халос қилади, асабни тинчлантириб, ухлашга яхши ёрдам беради.

Болаларга қовоқдан бўтқа тайёрлаб бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки витаминларга бой қовоқ боланинг жисмоний ривожланиши, иммунитет кўтарилиши, суяк, мушаклар ва асаб тўқималари, шу жумладан, бош мия ривожланишига омил бўлади. Шифобахш неъмат пиелонефрит, ўткир ва сурункали цистит хасталикларидан халос бўлишда ҳам қўл келади. Юз терисини озиқлантиради, доғларни батараф этади.

Шундай экан, кундалик озиқ-овқатлар рўйхатига қовоқли таомларни қўшишни унутманг.

*Газетанинг навбатдаги сони 2014 йил 5 ноябрь, чоршанба куни чиқади.*

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

## Бу ҳали марра эмас…

**Хитойнинг Нанкин шаҳридаги иккинчи ўсмирлар олимпиадаси мусобақаларида олтин медални қўлга киритган Бектемир Мелиқўзиев эришган ютуқ шарафига мадҳиямиз янграгани юртдошларимиз қалбида фахр, ғурур туйғуларини уйғотди.**

**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**



Бектемир чекка қишлоқларда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаган, баркамол авлод камол топаётгани, юртимиз тенгсиз полвонларга макон эканини дунёга яна бир бор намоён қилди.

Фарғона вилояти Фурқат туманидаги Шоймбек қишлоғида туғилиб ўсган боксчи йигит ёшлигидан спортга ошно тутинди. Спортни оммалаштириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича маҳаллада олиб борилаётган амалий ишлар, яратилган қулай шароит, замонавий спорт мажмуалари унинг иштиёқини оширди.

Бектемир 10 ёшидан буён тажрибали мураббий Маъруф Аҳмедовдан бокс сир-синоатларини ўрганиб келмоқда. Дастлаб туман, шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда чиниққан боксчи халқаро майдондаги илк ғалабасини Озарбайжонда ўтган турнирда қўлга киритди. Шундан сўнг Сербия, Таиланд ва Россияда ўтказилган халқаро турнирларда совриндорлар сафидан жой олди. Соғлом бола йили ёш спортчи учун янада омадли келди. Таиланддаги Осиё чемпионатида тенгқурлари билан куч синашган чарм қўлқоп устаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Болгариядаги жаҳон чемпионатида олтин медалга эга бўлган ҳамюртимиз ўсмирлар олимпиадасига йўлланма олди.

Иккинчи ўсмирлар олимпидасида 69 кг. вазн тоифасида рингга кўтарилган боксчи ярим финалда белоруслик тенгқурини, ҳал қилувчи баҳсда эса доминиканлик тенгдошини мағлуб этди.

— Президентимиз раҳнамолигида спорт билан шуғулланишимиз учун яратиб берилган шарт-шароитлар, халқимиз ишончи, устоз-мураббийларим йўл-йўриқлари ғалабага ундади, — дейди чемпион. — Мақсадим келгусида бор куч ва имкониятларимни ишга солиб, бундан-да юқори натижаларни қўлга киритишдир.

Ҳозир Қўқон педагогика касб-ҳунар коллежида таҳсил олаётган Бектемир ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлмоқда.

— Қишлоғимизни чемпионлар маскани десам, муболаға бўлмайди, — дейди «Шоймбек» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳаммаджон Узоқов. — Чунки яна бир маҳалладошимиз — Фазлиддин Мелибоев ҳам бокс бўйича Осиё чемпионлигини қўлга киритган. Маҳалламизда спортга ошно тутинган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Бектемирнинг ғалабаси бутун қишлоқдошларининг спортга қизиқишини оширди. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 22-умумтаълим мактабида йўлга қўйилган бокс тўгарагида 50 нафардан ортиқ ёш спортнинг мазкур тури билан шуғулланмоқда. Шунингдек, иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ва 20-умумтаълим мактабларида футбол, теннис, волейбол, стол тенниси, баскетбол, шахмат-шашка сингари ўнлаб спорт тўгараклари фаолият юритмоқда.

Сирасини айтганда, юрт ўғлонининг бу муваффақияти мамлакатимизда ёшлар спортига алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир. Айни кунда бундан-да юксак марраларни забт этишни кўзлаган чемпион ўз маҳоратини ошириш мақсадида машғулотларга зўр бермоқда.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.
Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
Қабулхона: **233-39-89**, Котибият: **233-44-25**, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: **199-84-32**, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: **199-83-46**, Маънавият ва спорт бўлими: **199-84-23**, Факс: **233-10-73**
ISSN 2010-7013
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: З.Ҳайитова
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов
Таҳририят манзили: **Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.** Индекс: **100083**
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
***Босмахона манзили:***
**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
Баҳоси келишилган нархда.
**Нашр кўрсаткичи: 148** **20090 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1231** **Топшириш вақти — 21.00** **Топширилди — 21.00**